607 95

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

6 июль, пайшанба, 1995 йил

Сотувда эркин нархда. № 128 (1130)

## ЧУҚУР ТАҲЛИЛ, АНИҚ ИСТИҚБОЛЛАР

***Ўзбекистоннинг Германия Федератив Республикасидаги элчихонасидан келган хабарга қараганда, 3 июль куни Франкфурт-Майн шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китоби билан таништириш маросими бўлди. Кўпчилик тўпланган бу учрашувда ГФР давлат органлари, савдо-саноат доиралари, жамоатчилик вакиллари, Германия журналистлари ҳозир бўлишди.***

Ўзбекистон Республикасининг Германия Федератив Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси С. Сафоевнинг маърузаси ва бошқа нутқларда давлатимиз бошлиғининг янги китобида яқиндагина давлат мустақиллигига эришган мамлакатимиздаги бутун ижтимоий-иқтисодий тузум ва сиёсий тузилмаларни тубдан ўзгартишга қаратилган ноёб ўзгаришлар жараёнларининг назарияси ва амалиёти ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб берилгани қайд этилди.

Ўзбекистонда аниқ мақсадни кўзлаб амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг муайян натижалари акс эттирилгани китобнинг аҳамиятини янада оширгани таъкидланди. Ўзбекистон янги мустақил давлатлар орасида биринчи бўлиб иқтисодиётни изчиллик билан ислоҳ қила бориб, халқ хўжалигини барқарорлаштиришга эришди ва айни пайтда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий жиҳатдан янада жадал юксалиш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди.

Учрашув иштирокчилари берган умумий баҳога қараганда, Ислом Каримовнинг янги асари амалий ишлар, ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатлар турмушини қайта қуриш тажрибаси жиҳатидан ҳам, ҳозирги пайтда сайёрамизда кечаётган жараёнларни назарий жиҳатдан тадқиқ қилиш нуқтаи назаридан ҳам жуда катта аҳамиятга эга.

Китоб билан таништириш маросими айнан Франкфуртда бўлгани ҳам тасодифий ҳол эмас. Муҳим халқаро транспорт йўллари, юклар ва йўловчилар оқими туташган ерда жойлашган Германиянинг бу шаҳри бутун Ғарбий Европадаги энг йирик молиявий ва иқтисодий марказлардан биридир. Йирик халқаро кредит-молия муассасалари, жумладан, Европа Иттифоқининг асосий молиявий ташкилоти — Европа банки жойлашган ва фаолият кўрсатаётган бу шаҳарнинг нуфузи тобора ортиб бормоқда. Франкфуртдаги валюта ва савдо биржалари кўп жиҳатдан мамлакатнинг иқтисодий турмушини белгилаб беради. Германия федерал банки шу ердан немис маркаси қиймати ва барқарорлигини фаол назорат қилиб боради. Германиянинг нуфузли банклари — «Дойче банк», «Дрезденер банк», «Ака» ҳамда Федерал кредит маҳкамаси марказий идоралари шу ерда жойлашган. Уларнинг ҳаммаси республикамиз билан яқиндан ҳамкорлик қилмоқда ва Ўзбекистон банклари билан қўшма фаолият соҳасини йил сайин кенгайтирмоқда.

Июнь ойида «Германия — Марказий Осиё» жамияти делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрган эди. Давлатимиз бошлиғининг янги китоби билан таништиришга бағишланган кечада бу жамият аъзолари республикамиз ҳамда Ўзбекистон ижтимоий ҳаётининг турли соҳаларида юз бераётган ўзгаришлар тўғрисида ўз таассуротларини сўзлаб бердилар.

## УМИДБАХШ ЯКУНЛАР ВА КЕЛАЖАККА ИШОНЧ

***Республика байналмилал марказида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» янги китобининг муҳокамаси бўлди. Муҳокамада олимлар, адабиётчилар, республика миллий маданият марказларининг раҳбарлари, бошқа бир қанча жамоат ташкилотларининг вакиллари иштирок этдилар.***

Президентнинг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг якунлари чиқарилиб, иккинчи босқичдаги вазифалар белгилаб берилган бу китобининг аҳамияти ҳақида Президент ҳузуридаги Давлат ва ижтимоий қурилиш академиясининг ректори Мурод Шарифхўжаев, И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтининг директори, профессор Абдулҳафиз Жалолов, Ўзбекистондаги Корейс маданият марказлари уюшмасининг раиси профессор Петр Ким маъруза қилдилар. Улар ўз нутқларида Ислом Каримов китобининг турли жиҳатларини таҳлил қилиб бердилар, лекин бу китоб иқтисодчи олимнинг муҳим асаридир, деган якдил фикрни билдирдилар. Улар бу асар Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллари мобайнида эришган ютуқларга доир катта ҳажмдаги материалларнинг чуқур таҳлили ва умумлаштирилишига асосланганини таъкидлаб ўтдилар. Бозор иқтисодиётига «фалаж қилиб даволаш» йўли билан эмас, балки босқичма-босқич ўтилмоқда. Аҳолини, айниқса унинг кам даромадли табақаларини кучли ижтимоий муҳофаза қилиш таъминланяпти. Республикада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, истеъмол бозорини тўлдиришга қодир бўлган ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ишлари муваффақиятли олиб бориляпти. Ирқи ва миллати, диний ва сиёсий эътиқодидан, ижтимоий ва мулкдорлик мақомидан, жинсидан қатъи назар, инсон ҳуқуқлари ҳимояланишига кафолат берадиган Конституция қабул қилинди ва у самарали ишламоқда.

Демократия асосидаги кўп партиявий парламент тизими ва ижроия ҳокимият барпо этилди. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон МДҲдаги баъзи давлатлардан фарқли равишда барқарорлик, фуқаролар тинчлиги ва миллатлараро тотувликни сақлаб қолган ҳолда ишлаб чиқаришнинг кескин таназзулига йўл қўймади. Масалан, Россияда ишлаб чиқаришнинг камайиши 30—40 фоизга тенг бўлса, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2 фоиз даражасида турибди.

Китобнинг ислоҳотлар биринчи босқичининг якунларига бағишланган қисмида йўл қўйилган хатолар ҳам бирма-бир таҳлил қилинган. Бу эса, республиканинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги иккинчи босқичида бу хатолар такрорланмаслигига ишонч туғдиради.

Китоб республика аҳолисини иқтисодиёт, таълим, маданият ва санъат соҳаларида, илм-фан билан боғлиқ ишлаб чиқаришни ривожлантиришда, миллий валютани мустаҳкамлашда Ўзбекистон олдида турган масалаларни ҳал қилишда фаол иштирок этишга сафарбар қилади.

Муҳокама барча қатнашчиларининг фикрича, Президент Ислом Каримовнинг янги китоби босиб ўтилган йўлга якун ясайди ва келажакда амалга ошириладиган ишларнинг аниқ йўналишларини белгилаб беради.

(ЎзА).



*Булоқбоши туманидаги Тоштемир Раҳимов номли жамоа хўжалиги пахтакорлари бу йил 421 гектар майдонга чигит экишди. Деҳқонлар ҳар гектар майдондан 35 центнердан хирмон кўтаришни ўз олдиларига мақсад қилиб қўйишган.*

*Турғунбой Ваҳобов ана шу хўжаликнинг 4-бригадасида меҳнат қилади. Чигит экишдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача бўлган юмушларни бекаму-кўст бажаришга ўрганган моҳир механизатор айни кунда қатор ораларини юмшатиш билан бирга уларни минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирмоқда.*

*СУРАТДА: механизатор Турғунбой Ваҳобов.*

**Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.**

## МУСТАҚИЛЛИК, ТАРАҚҚИЁТ ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР

***Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманида «Мустақиллик, тараққиёт ва хотин-қизлар» мавзуида республика илмий-амалий анжумани очилди.***

Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари, республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Д. Ғуломова шу мавзуда маъруза қилди.

Анжуманда «Ўзбекистон давлатининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида хотин-қизлар: сабоқлар, муаммолар, ечимлар» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

(ЎзА).

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

### ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

"Халқ сўзи" ва ЎзА мухбирлари хабар қиладилар

### АЛЛОМА ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАНДИ

***Ўзбекистон Фанлар академияси Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзмалар институтида Нажмиддин Кубро таваллудининг 850 йиллигига бағишланган илмий анжуман бўлди.***

Унда сўзга чиққан олимлар буюк алломанинг ҳаёти ва ижоди, унинг шарқ фалсафасида тутган ўрни ҳақида гапирдилар.

### «МАНАС» ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА

***Қардош қирғиз халқининг машҳур «Манас» достонининг биринчи қисми Қорақалпоғистон матбуоти саҳифаларида эълон қилинди.***

Уни шоир Тожиддин Сейитжонов қорақалпоқчага ўгирди. Достон «Манас»нинг 1000 йиллиги арафасида алоҳида китоб ҳолида чоп этилиб, тўйга муносиб тўёна бўлади.

### ХАРИДОРЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

***Гулистон шаҳар деҳқон бозори кечқурун ҳам ишлайдиган бўлди. Энди кундузи ишда бўлган ишчи ва хизматчилар кечқурун соат 9—10 гача керакли маҳсулотни бемалол харид қила оладилар.***

Бунинг устига маҳсулот анча арзонроқ сотилмоқда.

Шу мақсадда савдо расталарида ёритиш чироқлари ўрнатилди, шаҳар транспорти қатнови муддати узайтирилди.

Вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам мана шундай бозорлар очиляпти.

### ХОМАШЁ ХЎЖАЛИКНИНГ ЎЗИДА ҚАЙТА ИШЛАНМОҚДА



**Фарғона туманидаги Тожихон Шодиева номидаги боғдорчилик жамоа хўжалиги боғбонлари бу йил мавжуд 610 гектар мевали боғдан мўл-кўл ҳосил етиштирдилар. Шу кунларда ғарқ пишган ўрик, гилос, шафтоли ва олма меваларини териш ишлари қизғин олиб борилмоқда.**

**Бу ерда кичик консерва цехи ишлаб турибди. Унда хўжаликнинг ўзида етиштирилган мева ва сабзавотлар қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади.**

**СУРАТДА: цех ишчиси Севара Мўминова.**

### ТЕЖАМКОРЛИКДА ҲИКМАТ КЎП

***Хива туманидаги Феруз номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил ғўзани суғоришда махсус шланглардан фойдаланди.***

Амударёда сувнинг ўтган йилларга нисбатан тақчиллиги синалган бу эски усулга қайтишга сабаб бўлди. Қисқа муддатда мавжуд 50 гектар майдондаги ғўза икки марта қондириб суғорилди.

### ЎҚИТУВЧИЛАРГА ЕР БЕРИЛМОҚДА

***Наманганнинг Совет туманида кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган йигирма нафар ўқитувчи ва тарбиячи томорқали бўлди.***

Ўқитувчиларга ерни туман ҳокимлиги ажратди. Участкаларнинг барчаси муаллимлар истиқомат қиладиган жойга яқин — Наманган туманининг вилоят маркази билан чегарадош «Ижодкор» агрофирмаси ҳудудида.

Тумандаги кичик корхоналар, хусусий фирмалар ҳам педагогларга ғамхўрлик қилмоқда. Оила аъзоларидан биронтаси мактабда ёки боғчада ишлаётган серфарзанд 15 оилага улар доимий ҳомийлик қилмоқда.

* ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОҚЕАЛАР *

## МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ҲИМОЯСИ ЙЎЛИДА

Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида «Муаллифлик ҳуқуқи ва муштарак ҳуқуқлар» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Бутунжаҳон интеллектуал мулки ташкилоти (ВОИС) ташаббуси билан ўтказилган ушбу семинарда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Республикаларининг муаллифлик ҳуқуқи масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлари вакиллари қатнашдилар.

Семинарда Бутунжаҳон интеллектуал мулки ташкилоти бош директори ўринбосари доктор Михаил Фишер, Франциянинг фирма ва корпорацияларда программа таъминоти бўйича альянс вице-президенти Э. Кенич, фильм ишлаб чиқарувчилар ассоциациялар халқаро федерацияси бош директори А. Шобе ва бошқаларнинг муаллифлик ҳуқуқи ва муштарак ҳуқуқларнинг аҳамияти, бу борадаги қонунларни такомиллаштириш, янги мустақил давлатларнинг халқаро Берн конвенциясига аъзо бўлиб киришлари механизмлари тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш давлат вакиллиги раиси, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов Марказий Осиё минтақасида муаллифлик ҳуқуқи ва давлатлараро ҳуқуқни янада тараққий эттириш мавзуида маъруза қилди. (ЎзА).

*• Республикамизда Абай таваллудининг 150 йиллиги тантаналари бошланди*

## ТУРКИСТОН БИРЛИГИНИ ТАРАННУМ ЭТГАН АДИБ

***Кеча мамлакатимизда қозоқ оқини Абай таваллудининг 150 йиллиги тантаналари бошланди. Шу муносабат билан республика Маданият ишлари вазирининг ўринбосари Баҳодир АБДУРАҲИМОВ мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.***

— Абай Туркистон халқларининг бирлиги ва қардошлигини теран тараннум этган адиблардан эди. Шунинг учун буюк қозоқ оқинининг 150 йиллик юбилейини Ўзбекистонда ҳам кенг нишонлаш, келиб чиқиши, тупроғи, тили бир бўлган, бир-бирига қон-қардош қозоқ ҳамда ўзбек халқлари олдидаги бурчимиздир. Қолаверса, бундай тантаналар икки халқнинг келгусида ҳам дўст-биродар, елкадош бўлиб яшашига, улар ўртасидаги маданий алоқаларни мустаҳкамлашга катта хизмат қилади. Кейинги йилларда ўзбек ва қозоқ халқлари ўртасидаги ҳар томонлама алоқалар янада жипслашиб, яқинлашиб бораяптики, унда икки дўст мамлакат йўлбошчиларининг хизматлари катта бўлаётир. Ўзбекистонда Қозоғистон кунларининг, Қозоғистонда Ўзбекистон кунларининг ўтказилиши бунинг яққол намунасидир. Уни ҳар икки мамлакат халқлари жуда хайрихоҳлик билан кутиб олишди ва бу тадбирлар дўстлик байрамларига айланиб кетди. Бугун ана шундай тантаналардан яна бирини нишонлаш арафасида турибмиз. Шуни айтиш жоизки, Ўзбекистонда Абай таваллудининг 150 йиллигини нишонлаш ғоясини Президентимиз И. Каримов илгари сурган эди. Унга мамлакатимизда катта тайёргарлик кўрилди.

Кеча ўз сафига олимлар, давлат арбоблари, ёзувчилар, шоирлар ва таниқли санъаткорларни бирлаштирган 100 нафарга яқин Қозоғистон ижодий делегацияси юртимизга етиб келди. Улар пойтахтимизнинг энг яхши меҳмонхоналаридан бири — «Ўзбекистон»га жойлашишди. Бугун қозоқ оқинининг 150 йиллигига бағишланган асосий тантаналар бошланади. Эрталаб қозоғистонлик қардошларимиз буюк қалам соҳиби Алишер Навоий ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйишади. Шундан сўнг республика Фанлар академиясида Абай ижодий фаолиятига бағишланган илмий-амалий анжуман ўтказилади.

Буюк қозоқ оқини таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналарнинг очилиш маросими бугун кечқурун Алишер Навоий номли опера театрида бўлиб ўтади.

Умуман, Абай таваллудига бағишланган мамлакатимиздаги тантаналар дастурини биз қозоқ дўстларимиз билан олдиндан келишган ҳолда ишлаб чиқдик. Дастурдан қозоғистонлик таниқли санъаткорлар, адиблар ва олимларнинг Тошкент ва Сирдарё вилоятларида бўлиб, уларнинг халқ билан учрашувлари ҳам ўрин олган. Қозоғистон ижодий делегацияси 8 июль куни юртимиздан жўнаб кетади. Ўйлаймизки, қозоқ оқини Абай таваллудининг 150 йиллик тантаналари юртимизда зўр уюшқоқлик билан ўтади ва у халқларимизнинг дўстлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади. Бу йўлда Туркистон халқларининг бирлигини тараннум этган адиб руҳининг ўзи қўллагай. Зеро, Туркистон — барчамизнинг умумий уйимиздир.

**(Абай таваллудининг 150 йиллигига бағишланган махсус саҳифани газетамизнинг 4-бетида ўқийсиз).**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Бухоро вилоят кенгашининг сессияси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш, хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан қабул қилган фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур масалаларга оид қарорлари вилоятда қандай бажарилаётгани тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Вилоят ҳокими М. Раҳмонов шу ҳақда маъруза қилди.

Сессияда ўрни бўшаб қолган 60-Олот сайлов округидан республика Олий Мажлиси депутатлигига вилоят кенгашидан номзод кўрсатилди.

Кўрилган масалалар юзасидан сессияда тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА).

*• Ғалла-95*

### ҲАШАРЧИЛАР ИШ БОШЛАШДИ

Яқинда давлатга дон сотиш йиллик режасини уддалаган Андижон ва Фарғона вилояти ғаллакорлари ота-боболаримизнинг азалий удумига амал қилиб, яна бир савобли ишга қўл урдилар. Фарғона темир йўл бекатидан 154 та ўрим комбайнлари ортилган юк поезди Жиззах ва Самарқанд орқали Қашқадарё воҳасига етиб келди.

Ўз хирмонини баракали дон-дунга тўлдирган водийлик комбайнчилар қўшни вилоятлардаги ўрим-йиғим ҳашарида иштирок этишаяпти.

120 та ўрим комбайнлари ортилган худди шундай юк поезди Андижон темир йўл бекатидан ҳам жўнатилди. Энди Жиззах вилояти ғаллазорларида 84 та, Самарқанд сарҳадларида 90 та, Қашқадарё воҳасида 100 та қўшимча комбайнлар ўримга киришди. Улар ёрдамида кунига ўртача 3,5—4 гектар майдондаги ғалла ҳосили ўриб олинмоқда.

**Ш КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### ҒАЛЛАДАН БЎШАГАН ЕРГА...

Оқдарё туманидаги «Қаҳрамон» деҳқон хўжаликлари бирлашмаси суғориладиган ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш мақсадида ғалладан бўшаган ерларни пешма-пеш ҳайдаб дон, силосбоп маккажўхори ва бошқа экинларни экиш борасида муайян тажриба тўплаган. Бу ерда ҳозир мавжуд 775 гектар ердаги ғалладан бўшаган майдонларга картошка, сабзавот ва озуқа экинлари билан бир қаторда чигит ҳам қадалмоқда. Хўжалик мутахассисларининг фикрига қараганда, шундай майдонларга экилган «Қирғиз-3» нави ҳосилни эрта куздаёқ териб олиш имконини беради.

• *Долзарб муаммо*

# ЎТМИШ ТАЖРИБАСИ КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИНИ ҚУРИШДА ИШОНЧЛИ МАНБАДИР

**Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Ж. ЙЎЛДОШЕВ билан суҳбат**



**— Жўра Ғаниевич, кундалик ҳаётнинг ўзи таълим тизими ходимлари олдига мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос, шунингдек, жаҳон андозаларига мос таълим мажмуини яратиш вазифасини кўндаланг қўйди. Ўтган вақт мобайнида бу борада қандай ишлар қилинди?**

— Бугунги кунда республикамизда халқ таълимини ҳар томонлама ривожлантириш учун ижтимоий-сиёсий, моддий ва маънавий шароитлар яратилган. Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни мазкур соҳа тараққиётида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Биз республика таълим тизимини ислоҳ қилишни, аввало, мавжуд бўлган ҳар бир дарсликни миллий истиқлол талаблари асосида қайтадан кўриб чиқишдан бошладик. Чунки дарслик — таълим кўзгуси, миллат бойлигидир. Уни ғуборлардан тозалаб, миллий руҳ билан бойитиш лозим эди. Шу мақсадда дарсликлар яратиш бўйича муаллифлар мажмуасини аниқлаб чиқдик. Биринчи навбатда мактабларда ўтилаётган тарих фанининг дастурлари бутунлай қайтадан ишлаб чиқилди. Республикамизнинг кўзга кўринган тарихнавис олимлари, илғор, тажрибали ўқитувчилар иштирокида 5-9-синфлар учун Ўзбекистон тарихидан дарсликлар ва қўлланмалар яратилди. Уларда мамлакатимизнинг энг қадимги ўтмишидан тортиб, ҳозиргача бўлган даври қамраб олинган. Ўзбек адабиёти дарсликларини ҳам қайтадан кўриб чиқдик. «Одобнома» дарси жорий этилди. Унга шарқона, ўзбекона хушмуомалалик, қобиллик, орифлик, ҳаё, ибо ва бошқа аҳлоқ-одобдан сабоқ бериш талаблари сингдирилди. Дастлаб у юқори синфлар ўқув дастурига киритилган бўлса, ҳозир 8-синфда ўргатиляпти.

Буларни амалий ишларнинг дастлабки тажрибалари дейиш мумкин. Шунинг учун янги дастур ва дарсликларни ўқитувчилар муҳокамасига ҳавола этдик. Келажакда янги-янги таклиф, мулоҳазалар ўрганилиб, дарсликлар такомиллаштирилиб борилади. Муаллифларнинг ўзлари ҳам жойларга бориб, дарсликлар ҳақида кенг педогогик жамоатчиликнинг фикр-мулоҳазаларини кунт билан ўрганиб қайтмоқдалар.

Ҳозир бозор иқтисодиёти шароитида мактабларни компьютерларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Айни пайтда республикамиздаги мавжуд мактабларнинг 52 фоизи компьютерлар билан таъминланган. 8-9-синфлар учун эса, компьютер саводхонлиги бўйича махсус дарслик ҳам тайёрланиб, нашр этилди.

Мактабларда «иқтисодий билим асослари»ни ёшлар онгига чуқурроқ сингдиришга интилаяпмиз. Шу мақсадда жойларда иқтисодиётга оид махсус мактаблар, лицейлар ва гимназиялар очилаяпти.

Ана шулар ҳисобга олиниб, мактаблар учун «Иқтисод алифбоси», «Иқтисод нима?», «Иқтисод нима учун керак?» деган мазмунда бир неча босқичли таълим дастури ишлаб чиқишга киришилди. Умуман олганда, мактаб дастуридан ўрин олган барча фанлар янгидан тузиб чиқиляпти, давр талабига асосан янги-янги предметлар ҳам мактаб ўқув дастурига кириб келаяпти.

Маълумки, биз мустақил ҳуқуқий давлат қураяпмиз. Демак, ўқувчилар ҳуқуқ нима, бурч нима, инсоннинг жамият олдидаги масъулияти нимадан иборатлигини яхши билишлари керак. Ўқувчиларга мустақил республикамизнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий асослари ҳақида пухтароқ билим беришга интилмоқдамиз, улар томонидан билимларни ўзлаштириш кўламини изчил назорат қилмоқдамиз. Экология, дин тарихи курслари ҳам дастурга киритилган. Бундан ташқари, ҳар бир предмет таркибига унинг мазмунига хос маҳаллий фактлар, далиллар, воқеалар, шарт-шароитлар, адабий муҳит, табиат, жуғрофия, ўсимликлар, ҳайвонот дунёси, иқлими, тарихини ўргатишга ҳам алоҳида дарс соатлари ажратилиб, услубий тавсиялар ишлаб чиқилди. Чунки бола ўзи яшаб турган муҳит ҳақидаги барча фаний билимларга эга бўлишлари зарур. Шундан кейингина бошқасини ўрганиш осонлашади.

Бу билан таълим тизимидаги ҳамма масалалар ҳал этилди, демоқчи эмасман. Ҳали олдинда қиладиган ишларимиз жуда кўп.

Аниқ фанларни ўқитишда дунё цивилизацясининг бу борадаги дурдоналаридан фойдаланиш билан бирга, ана шундай ўзимизнинг улуғ мутафаккирларимиз мерос қолдириб кетган бебаҳо илм хазиналаридан ҳам ўқувчиларимизни воқиф қилишимиз, баҳраманд этишимиз зарур. Бундай бой материаллар Улуғбек астрономиясида, Беруний жуғрофияси ва математикасида, Ал-Хоразмий ва Ал-Фарғоний яратган аниқ фанларда, Абу Али Ибн Сино ботаникаси ва тиббиётида ҳамда бошқа манбаларда кўплаб топилади.

Ўқувчилар умумий маънода алломаларимизнинг буюклигини, у ёки бу фанни ривожлантиришга қўшган ҳиссасини англайдилар. Лекин улар яратган кашфиёт нима, унинг моҳияти ва аҳамияти нимада эканлигини ҳали яхши билмайдилар.

Хуллас, ҳали истиқболда бизни улкан юмушлар кутаяпти. Зеро, мустақил мамлакатимиз таълим тизимини тубдан янгилаш энг асосий вазифамиздир. Ҳозир бу борада кенг қамровли изланишлар олиб борилмоқда.

**— Республикамизда педагогика фани ҳали «янги уйи»ни бутунлай қуриб улгурмаган экан, ўқитувчилар янги ғояларини амалга оширишда эскисига таянишни, шубҳасиз. Айни вақтда янги, муқобилликка асосланган, ҳар томонлама синалган, мактаб мутаассиблигини (шундай дейиш асосли деб ўйлайман) енга оладиган самарали педагогик ғояларни яратиш керак бўлади. Бу вазифаларни ҳал этиш янгиланган педогогиканинг устивор хусусиятларини белгилайди. Шундай эмасми?**

— Дарҳақиқат, таълим жараёнида янги шаклларни амалга оширишда биз ҳозиргача амалда бўлган услублар ворислиги ришталарини узиб юбормаслигимиз керак.

Педагогика фани қаршисида, эскисининг ўрнига нимани ва қандай қуриш, унинг ёнига яна нимани қуриш мумкин, ўрта, олий, узлуксиз таълимни ҳамда малака ошириш ишларини илғор даражаларга олиб чиқишни таъминлай оладиган қайси тамойиллар асосида қуриш мумкин, каби мазмундаги бир талай саволлар кўндаланг бўлиб турипти.

Юқорида сиз ўринли таъкидладингиз. Чиндан ҳам мактаб таълим мазмунида мутаассибдир. Бундай мутаассибликни енгмоқ учун ҳозирча педагогика фанининг кучи камлик қиляпти. Чунки асримизнинг ўттизинчи йилларидан то ҳозирга қадар таълим дастурига турли фанлар келиб-кетди. Бу ҳол ҳамон давом этиб келяпти. Нима учун янги фанлар аксарият ҳолларда дарс тизимида мустаҳкамлана олмаяпти? Узоқ йиллардан бери ҳеч ким, ҳатто фан ҳам «Мактаб деворлари ортида» қайнаётган ҳаётни ва ахборотлар оқимини жиловлай олмаган. Бундай аҳволдан чиқиб кетишнинг ягона йўли — идеал мазмундаги янги педагогикани яратишдир.

Республикамизда таълим тизимини ривожлантиришнинг бир қатор умидбахш истиқболлари мавжуд. Уларни беками-кўст амалга ошириш ушбу соҳа тараққиётининг асосини белгилайди. Хусусан, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида ўқувчилар мактаб давридаёқ унумли ва ижтимоий меҳнатга тайёр бўлишларини таъминлаш лозим. Бунинг учун уларни мактабданоқ ишлаб чиқаришнинг барча жабҳалари тамойилларидан хабардор қилиш зарур. Шунингдек, ёш авлодни ҳунар-техника таълими, ўрта махсус билим юртлари, коллежлар, лицейлар, олий ўқув юртларида ўқишга тайёрлаш ва мазкур ўқув муассасаларини ҳам узлуксиз таълим тизимига қаратиш даркор. Таниқли олим В. Л. Виготский, «Тараққиётдан илгарилаб кетган таълимгина самарали бўлиши мумкин», дея таъкидлаган эди. Бугунги ўқувчи катталар ёрдамида амалга ошираётган ишини эртага мустақил ўзи бажариши керак.

Бунга болани ҳар томонлама ривожлантирадиган, фикрлашга ўргатадиган, унинг тафаккурининг янги-янги қирраларини очадиган таълим-тарбия ва педагогик услубларга эга бўлинган тақдирдагина эришиш мумкин. Бундан ташқари, таълим тизими тамойилларини белгилашда ҳалқимизнинг ўзига хос этно-маданий, этно-психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда умумий маданиятни шакллантириш, ўқувчи онгида омилкорлик ва ижодий талабни кучайтириш, уларга бирламчи руҳий билимлар бериш каби кўплаб масалалар ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Хуллас, бу соҳадаги муаммоларимиз ҳам хилма-хил ва долзарбдир. Айтиш лозимки, бу муаммолар таълимимизнинг нимжон нуқталаридир. Биз XXI асрда энг муносиб авлодларни тарбиялаб, вояга етказишга хизмат қиладиган такомиллашган педагогика фанини шакллантириш учун бутун куч ва билимимизни бирлаштирмоғимиз лозим. Шундай экан, олимларимиз ўзбек миллий мактабларига хос таълим-тарбия усулларини ишлаб чиқишда бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилишса, айни муддао бўларди.

**— Машойихлар: «Ёшликда ўрганилган илм — тошга битилган ёзув каби абадийдир», деган эканлар. Ушбу ҳикматли сўзларнинг маъноси бениҳоя теран ва кенг қамровлидир. Чунки чиндан ҳам болалар улғайиш палласида табиатан ниҳоятда синчков, қизиқувчан ва ҳар қандай таъсирга берилувчан бўлишади. Мана шундай паллада уларни ортиқча таъсирлардан авайлаб, самарали бошланғич таълим-тарбия бериш катта аҳамият касб этади. Лекин қизиғи, шу чоққача ана шундай масъулиятли вазифа фақаттина боғча ва мактаб зиммасига юклаб келинар эди. Ваҳоланки, ўтмишда фарзанд тарбияси билан оила, маҳалла, бутун жамоатчилик шуғулланган. Бунинг самараси ҳам анча юқори бўлган. Қолаверса, «Бир фарзандга етти қўшни ота-она» деган мақол ҳам бежиз айтилмаган. Фикрингизча, республикамиз маориф тизимини янгилаш жараёнида масаланинг ана шу жиҳатларига қай тариқа эътибор бериш лозим?**

— Биз эскидан шаклланган анъана бўйича болани етти ёшга тўлганидагина мактабга қабул қиламиз. Уларнинг кўпчилиги биринчи синфга тўғридан-тўғри оиладан келган бўлиб, ҳали ҳатто қалам ушлашни ҳам билишмайди. Боғчада тарбия олган болалар эса ёзиш-чизишни деярли ўрганиб олишган бўлади. Агар бу масалага янада аниқлик киритадиган бўлсак, 70 фоиз 1-синфга қабул қилинган болалар оиладан, 30 фоизи боғчалардан чиқадилар. Тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, биз энг аввало болани мактабга тайёрлашимиз лозим. Японияда худди ана шу масалани ҳал этишда ўзига хос йўл тутилган. Бу мамлакатда болаларни мактабга ҳарфларни тўла ўрганиб олган, ҳар томонлама тайёр ҳолда олиб келишга ота-оналар масъулдирлар. Мактаб ўқувчиларнинг оилада олган билимларини янада чуқурлаштиради, такомиллаштиради.

Болаларни мактабга тайёрлаш, уларни мактаб муҳитига руҳан мослаштириш, айрим ҳарф элементларини ёзишга ўргатиш, математикадан элементар билим бериш (оғзаки қўшиш, айриш) энг асосийси — ўқишга ўргатишдир.

Ижтимоий тадқиқотлардан маълум бўлишича, 7 ёшга тўлган болаларнинг аксариятининг ота-оналари 27-35 ёшдаги кишилар. Уларнинг ҳам 30-35 фоизи олий маълумотга эга. Шундай экан, уларнинг ўзлари фарзандларини ўқишга тайёрлашлари мумкин эмасми? Албатта, мумкин, ҳатто бу усул бир қадар самарали ҳамдир. Фақатгина биз уларга махсус услубий қўлланмалар ҳамда дарсликлар яратиб беришимиз керак. Шунингдек, бу ишга тажрибали, кекса муаллимларни ҳам жалб этиш мумкин. Ахир, ўтмишда шунга ўхшаш, оила таълими мавжуд эдику? Шулардан келиб чиқиб, махсус дастур ишлаб чиқдик.

Мутахассислар аниқлашларича, 3-6 ёшлик пайтида болалар онгида «бу нима?» деган руҳий қизиқувчанлик даври кечар экан. Биз бола руҳиятидаги шу муҳим даврни бой бериб қўяётган эканмиз. Шуларни назарда тутган ҳолда, бир қанча тажриба мактабларини ташкил этган эдик. Дастлабки натижалар танланган услубнинг самарали эканлигидан далолат бермоқда. Андижон вилоятининг Пахтаобод, Избоскан, Наманган вилоятининг Чортоқ, Учқўрғон, Норин, Наманган туманларида болаларни мактабга тайёрлаш бўйича диққатга сазовор ишлар қилинаётир. Вазирлигимиз бу илғор тажрибаларни оммалаштириш мақсадида шу йилнинг апрель ойида Андижонда, май ойида Наманганда амалий анжуманлар ўтказди. Анжуман унинг иштирокчиларида катта таассурот қолдирди.

Келажакда бу борадаги ишларни янада кенгайтиришни мўлжаллаяпмиз. Бу ишларнинг ҳаммаси мактабдаги «Алифбо»ни ўрганиш даврини тежаб қолиш, унга сарфланадиган 3,5 ой вақтни ўқув-тарбия ишларини янада такомиллаштиришга, ўқувчилар билимини чуқурлаштиришга сарфлаш имконини беради.

Бола ақлан ва жисмонан қўйилган талабни кўтара оладими ёки йўқми? Унинг саломатлигига биз қўяётган педагогик талаблар қандай таъсир этади? Бу энди бошқа муҳим масала. Фанимиз бу муаммоларни ҳам бизга яқин келажакда асослаб бериши зарур. Бу борада изланишлар олиб борилмоқда.

**— Маълумки, таълим-тарбияни янги босқичга кўтаришда ўқитувчи асосий шахс ҳисобланади. Болаларнинг қай даражада шаклланиши эса энг аввало уларга боғлиқ. Турган гапки, бу борада ҳам ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.**

**Ўқитувчиларнинг сифат таркибини яхшилаш бўйича вазирлик амалга оширган тадбирлардан энг самаралилари ҳақида гапириб берсангиз.**

— Тўғри, ўқув-тарбия жараёнини оптимал ва самарали ташкил этишда асосий масъулият ўқитувчи зиммасида. Ўқув режалари, дастурлари ва дарсликлари ҳар қанча такомиллаштирилмасин, уларни ўқувчига етказувчи муаллимдир.Таълимни янги босқичга кўтариш, ўқувчиларга пухта, чуқур билим бериш аввало муаллимнинг ўз касбини қай даражада эгаллаганлиги, методик маҳорати, умуммаданиятига, шахс сифатидаги камолатига боғлиқ. Ўқитувчи — болалар учун идеал шахс саналади. У қандай бўлса, таълим-тарбия ҳам шундай бўлади.

Шуларни назарда тутган ҳолда, биз ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий ва методик тайёргарлиги, шахсий хислатлари, ўз вазифасига муносабати, жамоа, ўқувчилар, ота-оналар ўртасидаги ҳурмат-эътибори, ташкилотчилиги, ишга ижодий ёндошуви, меҳнатсеварлиги, унинг меҳнатининг пировард натижаларини чуқур таҳлил қилиб, 4 тоифага бўлиб чиқдик ва улар фаолиятида табақалаштирган ҳолда иш олиб бормоқдамиз. Табиийки, уларнинг маошлари ҳам шунга қараб белгиланади.

Олий тоифали ўқитувчилар ўз касбининг фидойи кишиларидан иборат. Афсуски, бундайлар бир қадар камчиликни ташкил қилади. Таълим тизимида ислоҳотларни амалга оширишда биз энг аввало, мана шу тоифага суянамиз. Биринчи тоифадаги ўқитувчи ва тарбиячилар ҳам юқоридаги тоифага яқин туради. Таълим ходимлари орасида яна бир тоифа борки, улар маълум даражадаги билимга эга бўлиб, шу асосда болаларга билим беришади. Бундай ўртамиёна ўқитувчиларни қайта тайёрлаш, доимо улар фаолиятини назоратда тутиш керак бўлади. Ниҳоят, сўнгги тоифа бизнинг соҳамизга тасодифий келиб қолган, таъбир жоиз бўлса, бегона шахслардир.

Биз республика таълим тизимини ривожлантириш жараёнида фидойи ўқитувчиларнинг тажрибаларини кенг ёйиш, ўрта ҳолларининг билим ва малакаларини қайта мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор тадбирларни амалга оширмоқдамиз. Чунончи, улар маълум бир муддатда аттестациядан ўтказилиб, уларнинг касбий, услубий, педагогик маҳоратлари тез-тез рейтинг асосида аниқланиб, шу асосда ўқитувчи фаолиятининг айнан қайси жиҳатларини такомиллаштириш лозимлигини белгилаб, чоралар кўрилаётир. «Йил тарбиячиси», «Йил ўқитувчиси», «Йил мактаби», кўргазмали қуроллар кўрик-танловлари, педагогик ўқишлар бўлиб ўтаяпти. Шунингдек, ҳар йили республика ижодкор ўқитувчиларининг анжуманини ташкил этаяпмиз.

Илғорлари республикамизнинг аксарият жойларида педагог ходимлар туман ёки шаҳар халқ таълими раҳбарларининг буйруғи билан ишга қабул қилинарди. Бу ҳол эса мактаблар ва халқ таълими муассасалари раҳбарларининг масъулиятини сусайтирар, улар билан ўқитувчилар ўртасидаги муносабатларда ноаниқликлар юзага келишига сабаб бўларди. Эндиликда бундай усулга барҳам берилиб, педагог ходимлар ҳам битим шаклидаги меҳнат шартномаси асосида ишга қабул қилина бошланди. Бунинг моҳияти шундаки, ушбу мазмундаги ҳужжат бевосита мактаб раҳбари ва педагог ходим томонидан ёзма равишда тузилади ва ўтказилган аттестация натижаларига кўра унга табақалаштириб ҳақ тўланади. Биз шартнома тузиш тартибларини ишлаб чиқишда юқорида тилга олинган тоифаларни ҳам ҳисобга олаётирмиз. Хусусан, илғор ўқитувчилар билан беш йил, ўрта тайёргарликдагилар билан икки йилга, бу соҳага тасодифий келиб қолганлар билан бир йил муддатга битим тузилади. Борди-ю, ана шу муддат давомида ўқитувчилар ва тарбиячилар иш мазмунини тубдан ўзгартира олмасалар, муддат тугагач, улар билан қайта битим тузилмайди, яъни, улар ўз касбларини ўзгартиришларига тўғри келади. Чунки ўқитувчи берилган имкониятдан ўринли фойдаланмади, ўз устида ишламади, назарий, услубий маҳоратини ошириб бормади, фаолиятини такомиллаштирмади. Мазкур усул педагог ходимларининг сифат таркибини яхшилашда, уларнинг ўз вазифасига масъулият билан қарашларини, тарбиялашда катта самара бериши, шубҳасиз.

**— Назаримда, ўқитувчилар фаолиятининг сифатини яхшилашда юқорида сиз айтиб ўтган масалалар билан бирга, шу соҳа бўйича билим олаётган бўлғуси педагог мутахассислар омилига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади. Бунинг учун педагогика институтларида ва билим юртларидаёқ бўлғуси муаллимларнинг касб маҳоратларини шакллантириб бориш керак, шекилли. Бу фикрга сиз қандай қарайсиз?**

— Ўринли таъкидладингиз. Чиндан ҳам бўлажак педагоглар илм масканларида таҳсил олиш жараёнида ўз касблари бўйича нафақат назарий билим олишлари, балки амалий жиҳатдан ҳам кўникма ҳосил қилиб боришлари лозим. Шуни назарда тутган ҳолда, биз педагогик йўналишдаги синфлар ва лицейлар ташкил этаяпмиз. Уларда бўлажак муаллимлар ўқитувчилик касбининг барча қирраларини қамраб олган ҳолда фаолият кўрсатишга ўрганадилар.

Педагогика институтлари ва билим юртларида болажон, ўқитувчилик касбига садоқатли кишиларни тайёрлашга эътиборни қаратмоқдамиз. Муаллим энг аввало ҳар қандай шароитда ҳам кечиримли бўлсин. Аълочига яхши, билими пастроқ болаларга совуқ муносабатда бўлиш педагогикага хилофдир. Чунки мактабда билим беришда ўқувчи ўқитувчига эмас, ўқитувчи ўқувчига хизмат қилиши керак. Таъбир жоиз бўлса, маъмурий педагогикадан ҳамкорлик ва ижодкорликка асосланган педагогикага ўтиш пайти келди. Шундагина мактабда яхши руҳий муҳит юзага келади. Боланинг сўз воситасидан ҳам кўра кузатув орқали кучлироқ шаклланишини эътиборга оладиган бўлсак, бунинг аҳамияти жуда катта.

Ўқитувчилик — олийжаноб касб. Бу шунчаки баландпарвоз сўз эмас. Халқимиз азал-азалдан устоз — ўқитувчини доимо эъзозлаган, кўкка кўтарган. Ўз ҳаётини шу улуғ касбга бағишлаган инсон, пок, олийжаноб, ҳалол, виждонли, диёнатли бўлиши, ўз ўқувчиларини ҳам шу руҳда тарбиялаши, шу асосда халқ эъзозига муносиб бўлиши лозим. Бўлажак ўқитувчи, тарбиячи ўзининг бўлажак касби ва унинг ҳалоллиги тўғрисида доимо мулоҳаза юритиши керак.

**— Ўқув йилининг якунлари ва янги ўқув йилига тайёргарлик режалари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз...**

— Тугалланган ўқув йили таълим-тарбия мазмунини, унинг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқув-тарбия ишини яхшилашда мактабларнинг маҳалла, жамоат ташкилоти, ота-оналар билан ҳамкорлигини бутун чоралар билан кучайтириш, таълим муассасаларини бошқаришда демократик ва инсонпарварлик тамойилларини қарор топтириш ва бошқа соҳаларда жиддий изланишлар йили бўлди, десак муболаға бўлмас. Таълим бўйича бир қатор ижобий тажрибалар ўзлаштирилди, илғор педагогик ғоялар синаб кўрилди, педагогик фаолиятда намунали меҳнат қилаётган фидойи ўқитувчилар ва тарбиячилар сафига янги-янги номлар келиб қўшилди.

Қилинган ибратли ишлар анчагина. Бироқ камчилик ва нуқсонлардан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Булар асосан ўқув муассасаларида, ислоҳотларнинг суст кетаётганлигида, таълимда, айниқса, унинг бошқарув бўғинида демократик ва инсонпарварлик тамойилларининг бузилаётганлигида, маъмурий буйруқбозлик, бюрократизм, консерватизм иллатларидан ҳамон қутила олмаётганлигимизда намоён бўлмоқда. Кўп сонли текширувлар, юқори раҳбарлик идораларига, оммавий ахборот воситаларига, вазирликка йўлланилаётган шикоят хатлари мазмунида айнан шундай кайфиятни уқиш мумкин.

Шунингдек, таълим мазмунига холис баҳо бериш ўрнига адолатсизлик қилиш,камчилик ва нуқсонларни хаспўслаш ҳолатлари ҳам учраб турибди. 1995 йил фан олимпиадаларини ўтказишда ҳам бир қатор адолатсизликлар, ноҳақликларга йўл қўйилди. Тўғри, вазирлик ҳайъат йиғилишида айбдорлар жазоланди. Лекин шу хато туфайли ўқувчилар ва уларнинг ота-оналарига етказилган руҳий-аҳлоқий ва маънавий зарарни қоплаш анча мушкул иш. Хуллас, фаолиятимизда камчилик ва нуқсонлар ҳали кўп.

Янги ўқув йилида таълим муассасалари олдида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим мазмунини тубдан янгилаш бўйича олиб борилаётган туркум ишларни изчиллик билан давом эттириш, ўқитувчи ва тарбиячиларнинг касбий ҳамда услубий маҳоратларини тинимсиз ошириб боришни таъминловчи чора-тадбирларни амалга ошириш, янги педагогик технологияни, мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни ҳамда ўзгаришларни таълим-тарбия жараёнига дадил олиб кириш, мактаб ҳаётида таълимни демократлаштириш, шунингдек, унга инсонпарварлик тамойилларини сингдиришни қатъиятлик билан йўлга қўйиш каби кўплаб муҳим масалалар турибди.

Республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг Олий Мажлиснинг биринчи сессиясида сўзлаган «Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари» бўйича маърузаси халқ таълими ходимлари фаолияти учун ҳам дастуруламалдир. Бу кенг қамровли, чуқур мазмунли маърузадан келиб чиқадиган амалий хулосалар ва уларни таълим муассасалари ҳаётига татбиқ қилиш бўйича вазирликнинг режа-тадбирлари ва тавсиялари ишлаб чиқилиб, барча ижрочиларга етказилди. Шунингдек, янги ўқув йилида халқ таълими олдида турган долзарб масалалар ва вазифалар мажмуи ишлаб чиқилиб, ўқитувчиларнинг анъанавий август кенгашларида муҳокама қилиш учун матбуотда эълон қилинди.

Вазирликда янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини мувофиқлаштириб турувчи штаб ишлаб турибди. Штабга ҳозирнинг ўзидаёқ умидбахш хабарлар келаяпти. Чортоқ, Учқўрғон, Избоскан, Шўрчи, Денов, Норин туманлари ёзги таъмирлаш ишларини муваффақиятли якунлаганликлари ҳақида хабар беришди. Янги ўқув йили таълимимиз тараққиётида муҳим босқич бўлиб қолиши учун бутун чораларни амалга оширамиз.

**— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.**

**Суҳбатни «Халқ сўзи» мухбири Ғафур ШЕРМУҲАММАД олиб борди.**

• *Табобат*

# СОҒЛИҒИМИЗ — ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА



***Яқинда Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишда мамлакатимизга ўта юқумли касалликларнинг кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўриш, ана шу мақсадда оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишлари олиб бориш кераклиги уқтирилган эди. ЎзА мухбири республика Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли санитария-эпидемиология бош бошқармасининг бошлиғи, тиббиёт фанлари номзоди Хайрулла Мустафоевга бир неча савол билан мурожаат этди.***

**— Хайрулла ака, суҳбатимиз муқаддимасида юқумли ўткир ичак касалликларига қисқача таъриф берсангиз.**

— Ёз ойларида одамлар, айниқса, болалар орасида ўткир меъда-ичак касалликларининг кўплаб учраб туриши сир эмас. Ушбу хасталикларнинг келиб чиқиши иссиқ иқлим шароитида тез кўпаядиган микробларнинг ичимлик суви ёки озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш орқали одам организмига келиб тушиши билан боғлиқ. Улар қўзғатган касалликлар тиббиётда сальмонеллёз, ичбуруғ, эшерихиоз ва бошқа номлар билан аталади. Кейинги йилларда инсониятга яна хавф солаётган вабо ҳам юқорида айтиб ўтилган касалликлар гуруҳига киради. Ушбу инфекция билан хасталаниш жаҳон миқёсида кўпайиб бораётганини таъкидлаб ўтиш зарур. 1994 йили бундай хасталиклар, хусусан, вабо касаллиги жаҳондаги 90 дан ортиқ мамлакатда мавжуд экани қайд этилди. Улар орасида АҚШ, Франция, Россия, Япония, Англия каби ривожланган давлатлар ҳам бор. Шунингдек, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистон каби Осиё қитъасидаги йирик давлатларда, Лотин Америкасидаги бир қанча мамлакатларда ҳам вабо касаллиги бўйича мураккаб эпидемик вазият вужудга келганини биламиз.

**— Республикамизга юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалиши хавфи мавжудлигини нима билан изоҳлайсиз?**

— Маълумки, мустақил Ўзбекистоннинг хорижий давлатлар билан сиёсий, иқтисодий, маданий алоқалари кенгайиб бораётир. Бу — ижобий ҳол, албатта. Айни пайтда, ўзаро борди-келдилар баъзан республикамизга юқумли касалликлар инфекцияси кириб келиши хавфини туғдираётганини ҳам афсус билан қайд этмоқчимиз. Чет эллик сайёҳлар ёки хорижга бориб қайтаётган фуқароларимиз саломатлигини асраш учун жавобгарлик туристик ёки тижорат саёҳатларини уюштираётган фирмалар, корхоналар зиммасига юкланган. Бундай ташкилотлар тижоратчи сайёҳларни санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган меҳмонхоналарга жойлаштирилиши, уларнинг тоза ичимлик суви ва озиқ-овқат билан таъминланишлари ҳақида қайғуриши лозим. Афсуски, ўтган йили тижорат мақсадларида хорижий давлатга бориб келган фуқароларимиз орасида юқумли ўткир ичак касалликлари билан хасталаниш ҳоллари қайд этилди. Жорий йилда бундай ҳолат такрорланмаслиги учун биз ана шундай 70 дан ортиқ турли сайёҳлик фирмалари вакиллари билан йиғилиш ўтказдик, бу борадаги муаммоларни уларга тушунтирдик.

Республикамиз ҳудудидаги оқар сувларни лаборатория усули билан текшириб кўрилганда, уларнинг айримларида ичакда инфекция қўзғатувчилар топилди. Бундан ҳамма огоҳ бўлиши керак. Шу боис ҳозирча ичимлик сув билан таъминланмаган қишлоқларнинг аҳолисига сув ташиб келтириш ишларини тўғри йўлга қўйиш зарур. Зеро, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш вабо ва бошқа ўткир ичак инфекциялари келиб чиқишининг олдини олишда муҳим омиллардан саналади.

**— Демак, Президентимиз Ислом Каримовнинг аҳолини ичимлик сув билан таъминлаш муаммосини ўз вақтида кун тартибига қўйгани ҳамда бу борада амалга оширилаётган қатъий саъй-ҳаракатлар бутун жуда қўл келяпти...**

— Албатта, кейинги йилларда мамлакатимиз аҳолисини тоза сув билан таъминлаш бўйича катта ишлар қилинганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўткир ичак инфекциялари тарқалишини олдини оладиган тадбирлардан яна бири — озодалик. Яшаш жойларида чиқиндилар тўпланиб, кўпайиб кетса, иссиқ кунларда турли касалликлар тарқалиши хавфи юзага келади. Шаҳар ва қишлоқларнинг озода бўлишига эришиш, озиқ-овқат маҳсулотларини кўчада сотишда тартиб ўрнатиш, уларнинг сифатини назорат қилишда сусткашликка йўл қўймаслик ўткир ичак касалликларига қарши кураш жабҳасида муҳим аҳамият касб этади.

**— Юқорида айтганингиздек, ўткир ичак касалликлари асосан ёз ойларида кўпаяди. Соғлиқни сақлаш соҳаси мутасаддилари ҳозирги иссиқ мавсумда бундай хасталиклар тарқалишининг олдини олиш юзасидан қандай тадбирлар қўлламоқда?**

— Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида бу борада махсус чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда. Жумладан, барча вилоятларда тиббиёт ходимлари ва шифокорлар махсус дастур асосида қайта ўқитилди. Жойларда керакли дори-дармонлар захираси ҳозирлаб қўйилган. Лаборатория текширишларини ўз вақтида амалга ошириш мақсадида қўшимча лабораториялар ташкил этилди. Бундан ташқари, шу кунгача республикамизнинг 9 та вилоятида етук олим ва мутахассислар иштирокида мавжуд аҳвол атрофлича ўрганиб чиқилди ва ҳокимликлар билан биргаликда аҳоли соғлиғини сақлаш борасида бажарилиши зарур бўлган талайгина ишлар режалаштирилди. Куни кеча ўтган Тошкент шаҳри ва пойтахт вилояти соғлиқни сақлаш бўлимлари ҳамда давлат бош санитария врачларининг қўшма йиғилишида ҳам ёзги мавсумда бажарилиши лозим бўлган энг муҳим масалаларга асосий эътибор қаратилди.

**— Мутахассис сифатида газетхонларга берадиган тавсияларингиз?**

— Кўп жиҳатдан юқумли ўткир ичак касалликларига чалинмаслик одамларнинг ўзларига боғлиқ. Табиатан покизаликка ҳар доим ва ҳар қадамда риоя қиладиган кишилар бундай хасталикларга зинҳор гирифтор бўлмайдилар. Қўлни доимо покиза тутиш, овқатларни қандай шароитда тайёрлангани ва сақланганига қараб истеъмол қилиш ҳам инсонни кўп дардлардан эҳтиёт тутади. Ёз шароитида сув, ҳатто водопровод сувини қайнатиб ичиш керак. Тўй-ҳашам, маъракаларда ҳам санитария-гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиш зарур. Сабзавот ва ҳўл меваларни тоза ичимлик сувда чайиб, сўнг истеъмол қилиш лозим. Бундай чора-тадбирларга, айниқса, дала шийпонларида, болалар оромгоҳларида қатъий риоя қилиниши керак. Очиқ сув ҳавзаларида чўмилишнинг олдини оладиган тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Имкониятдан фойдаланиб, ҳокимликлар, коммунал хўжалик раҳбарларига ҳам мурожаат этиб, қишлоқ ва шаҳарларда ободончилик ишларини яхши йўлга қўйиш, аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, йиғилиб қолган ахлатларни аҳоли яшаш жойларидан ўз вақтида олиб чиқиб кетишни ташкил қилишга алоҳида эътибор бериш зарурлигини яна бир карра эслатмоқчимиз. Бу масалани ҳал қилишда маҳалла қўмиталари фаоллари ёрдамига таянмоқ керак. Ўткир юқумли ичак касалликларининг олдини олиш тўғрисида аҳоли орасида тушунтириш ишларини олиб бориш нафақат соғлиқни сақлаш ходимлари, балки барча зиёлиларимизнинг ҳам вазифаси бўлмоғи лозим. Эл соғлиғи — юрт бойлиги, дейдилар. Халқимизнинг саломатлигини сақлаш йўлида баҳамжиҳат бўлайлик. Зотан, барча қийинчиликни аҳиллик ва якдиллик билан бартараф этиш мумкин.

• *Иқтисодиёт қирралари*

**Бир вақтлар собиқ Иттифоқнинг турдош корхоналари ўртасида иккинчи ўринда турган Сирдарё рефрижератор-вагон депоси ҳамон ўз мавқеини сақлаб келмоқда. Эндиликда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компанияси тасарруфидаги бу корхонанинг шериклари нафақат МДҲ республикаларида, балки бир қанча Европа ва Осиё минтақаларида ҳам бор.**

# РЕФРИЖЕРАТОР ВАГОНЛАРИМИЗ ДУНЁНИ КЕЗМОҚДА



Депога қарашли рефрижератор-вагонлар ҳозир Бельгия, Финляндия, Германия, Польша, Руминия, Хитой, Мўғилистон ва Афғонистон каби мамлакатларнинг темир йўл изларида қатнамоқда. Бу ҳол корхонанинг Иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг юзага келган қийинчиликларни муваффақиятли бартараф этаётганидан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, бу ерда иш тўхтаб қолмади. Аввало, компания, қолаверса, депо раҳбариятининг саъй-ҳаракати туфайли унинг равнақи йўлида ҳам амалий қадамлар қўйилди. Айни кунларда корхонада 3400 дан зиёд киши меҳнат қилмоқда. Шуниси эътиборлики, депода ишлаш иштиёқини билдираётганлар сони тобора ортиб бормоқда. Бунга сабаб корхонада моддий манфаатдорликнинг юқорилиги ва қулай меҳнат шароитининг етарлигидир. Қолаверса, бу ерда бошқа корхоналарга нисбатан иш кўлами ҳам бир неча баробар юқори. Бир йилда 420-440 та вагон-музлатгич секцияси таъмирдан чиқарилади. Жами секциялар — 582 та. Уларнинг камида 400 таси тўхтовсиз ишлаб турса, корхонанинг ошиғи олчи. Жамоа эса бу вазифани муваффақиятли уддаламоқда. Таъмирлаш-бутлаш учун зарур бўлган барча ашёлар узлуксиз равишда етказиб берилмоқда. Яъни таъминотдаги тақчиллик ички имкониятлар эвазига қопланаётир. Жумладан, депо мутахассислари секция агрегатларининг ёқилғи сарф-ҳаражатларини икки ярим баробарга камайтиришга эришганлиги туфайли ўтган ойлар мобайнида 202 тонна нефть маҳсулоти тежаб қолинди.

Битта вагоннинг бир кун бекор туриши депога 50 сўм зарар келтиради. Шу боис ҳозир ҳар бир секция-вагондан самарали фойдаланиш йўллари қидирилмоқда. Ўтган йили Россия ҳудудига қатнайдиган вагонларга ёқилғи қуйиш қийинлашганлиги сабабли, секцияларнинг бир жойда узоқ вақт туриб қолиши хавфи пайдо бўлган эди. Россиялик шериклар билан тузилган шартномага мувофиқ, бу муаммо ўз вақтида ҳал этилди.

Депонинг буюртмачи корхоналар билан ҳисоб-китоб ишлари ҳам ҳавас қилса арзигулик. Хоҳ мамлакат ичкарисида, хоҳ четда бўлсин, хизмат ҳақи — ўз вақтида ундириб олинмоқда. Шу боис корхонанинг молиявий аҳволи чакки эмас. Агар ўтган йили 49 миллион сўмдан зиёд соф даромад олинган бўлса, шу йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 50 миллион сўмдан ошиб кетди. Мавсумий ишловчилар, яъни секцияларни кузатиб борувчиларнинг қўлига 1300, таъмирловчиларга эса 700-800 сўм маош тегмоқда. Агар таъмирловчиларнинг мавсумий иш тартиби инобатга олинса, маош миқдори бирмунча юқори эканлиги аён бўлади. Боз устига, депонинг ҳар бир ишчиси МДҲ мамлакатларининг хоҳлаган жойига бир йилда бир марта темир йўл транспортида текин бориш ҳуқуқига эга. Улар, шунингдек, бепул сут-қатиқ, ёзги-қишки махсус кийим-кечаклар билан ҳам таъминланадилар.

Депода буюртмачиларга хизмат кўрсатишда расмиятчилик иллати аллақачон барҳам топган. Секция сўраб келган ташкилот вакилларининг илтимослари узоғи билан бир кунда қондирилади. Айни чоғда вагонларга юкланган маҳсулотларни манзилга кам-кўстсиз етказиш ва бузилмай сақланиши таъминланади.

— Эндиликда вагон-музлатгичлар хизматидан нафақат хўжаликлар, балки бошқа ташкилотлар ҳам фойдаланишлари мумкин,— дейди депо бошлиғи Ўналбой Омонқулов.— Фақат маҳсулотлар ва уларни жўнатишга оид ҳужжатлар Президент фармонлари ва қонунларимизга мос бўлса бас. Яқиндан бошлаб эса секцияларни ижарага бериш тартибини ҳам жорий этдик. Бунинг нархи одатдагидан бирмунча арзонроқдир.

Яна бир янгилик шуки, сўнгги йиллар ичида депо ҳудудида яна бир корхона қад кўтарди. Бу ерда асосан вагон ғилдираклари йиғилади. Яъни, Украинадан олиб келинадиган дисклар тайёр ҳолга келтирилади. Йилига заводда 20 мингта ғилдирак тайёрланади. Ушбу маҳсулотга бўлган талаб эса нафақат мамлакатимизда, балки Марказий Осиёда ҳам юқоридир.





Иш жойларининг замонавий компьютерлар билан жиҳозланганлиги ҳам иш унумининг янада самаралироқ бўлишига имконият туғдирмоқда. Ушбу техникаларнинг шарофати туфайли энди депо вагонларининг қаерда ва қачондан бери туриб қолганлиги ёки ҳаракатда эканлигини билиш учун телефон алоқасига зарурат қолмади. Бу ҳақдаги барча маълумотларни компьютер экранида батафсил кўриб туриш мумкин. Айни чоғда ҳисоб-китоб ишлари ҳам ана шундай қулай ва тежамли тизимга ўтказилди.

Жамоани ижтимоий ҳимоялаш, дам олиш шароитларини яхшилаш эса ҳамиша раҳбарият ва касаба уюшмасининг назоратида. Корхона ўзининг махсус шаҳарчасига ҳам эга. Бу ердаги мавжуд болалар боғчаларининг таъминоти Сирдарё шаҳри тугул, вилоятда ҳам энг намунали ҳисобланади. Соғломлаштириш тизимида эса замонавий тиббий муолажалар олиш имкониятлари яратилган. Сауна, бассейн, спорт зали, дам олиш хоналари ва икки гектарлик иссиқхона жамоага хизмат қилаётир.

Бир сўз билан айтганда, Сирдарё рефрижератор — вагон депосида иш ҳам, қозон ҳам қайнамоқда. Меҳнат аҳлининг халқ хўжалигининг қон томири бўлмиш темир йўл хизматини йўлга қўйиши борасидаги ишларидан эса барча мамнун.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***СУРАТЛАРДА:** депонинг электроцехи бригадири А. Рамазонов ва вагонларни қабул килиб олувчи С. Горбатенко; йиғув цехи ишчиси Х. Олимов.*

• *Акс-садо*



# «РЕСПУБЛИКАМИЗ ЎЗ ҚОҒОЗИГА ЭГА БЎЛАДИМИ?»

**(«Халқ сўзи», 1995 йил 12 май)**

**МУХБИРИМИЗНИНГ иқтисод фанлари номзоди, «Сардоба» ассоциацияси президенти Абдусалом Турсунов билан ушбу суҳбати республикада қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқариш муаммолари, яъни Ўзбекистоннинг қоғоз мустақиллигига эришиш имкониятлари хусусида бўлгани боис ўнлаб олимлар, мутахассислар ва соҳа ходимлари бу масалага ўз муносабатларини билдириб, таҳририятга хат йўлладилар. Қуйида уларнинг айримларини эътиборингизга ҳавола этамиз.**

***А. ШОКИРОВ, Иқтисод ва бизнес институтининг кафедра мудири, иқтисод фанлари доктори, профессор:***

— АВВАЛО, шуни таъкидлаш керакки, иқтисодчи олим ва мутахассис Абдусалом Турсуновнинг қоғоз целлюлозаси ишлаб чиқарувчи корхоналарни барпо этиш муаммоларига оид назарий ва амалий жавоблари Ўзбекистонда бу соҳани тез ва кенг ривожлантириш учун ҳамма асослар борлигидан далолат беради. Ва мутасадди раҳбарлар учун катта туртки ва ёрдам бўла олади, деб ўйлайман.

Бинобарин, газетада чоп этилган мақола шуниси билан диққатга сазоворки, унда шунчаки илмий таклифларгина эмас, балки чуқур таҳлилларга асосланиб амалий тавсиялар берилган. Шу билан бир қаторда мақолада қоғоз целлюлоза ишлаб чиқариш саноатини ташкил этиш ва уни бошқариш масаласи етарлича ёритилмаган. Бизнингча, республика Вазирлар Маҳкамаси қошида иқтисодий ва юридик ҳуқуққа эга бўлган бирор муассаса тузилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Мақолада баён этилган таклиф ва тавсиялар амалга оширилса, республикамиз нафақат ўзининг қоғозига, айни вақтда уни экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлади.

***Х. РАҲМОНҚУЛОВ, М. ФАЙЗИЕВ, ЎзФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти бўлим бошлиқлари, С. ҒАФФОРОВ, шу институт қошидаги консалтинг маркази директори:***

— БОЗОР иқтисодиёти шароитида энг қимматли воситалардан бири — ахборот. Уни талабгорга етказишнинг энг муҳим воситаси эса — қоғоз. Фақат шу нуқтаи назардан ёндашилганда ҳам, «Республикамиз ўз қоғозига эга бўладими?» мақоласида шу куннинг энг долзарб муаммоларидан бири ўртага ташланганлиги аён бўлади.

Республикада қоғоз-целлюлоза саноати учун хомашё базасининг етарли эканлиги, юртимизда тинчлик ва осойишталикнинг барқарорлиги, устига устак, юртбошимизнинг чет эл сармоядорлари манфаатларини ҳимоялашга қаратилган фармонлари шарофати туфайли хорижий фирма ва ишбилармонлар учун мамлакатимизда янги лойиҳаларга сармоя солишга кенг йўл очилганлиги мақолада таъкидланган корхоналарни тез қуриб, ишга тушириш учун мустаҳкам заминдир.

Мақолада келтирилган ишончли факт ва рақамлардан кўриниб турибдики, бу соҳада амалий ишга қанча тез ўтилса, шунча яхши. Бизнинг истагимиз шуки, бу муаммога унинг муҳимлиги ва иқтисодий нафини ҳисобга олиб, давлат аҳамиятига молик масала сифатида қаралса, соҳани ташкил этувчиларга илмий ишларни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш, қўшма корхоналар очиш ва уларнинг ишини назорат қилишда ҳам ҳуқуқий, ҳам моддий имкониятлар яратиб берилса, айни муддао бўлур эди. Агар шундай қилинса, республика қисқа вақт ичида ўзини қоғоз ҳамда шу соҳа учун зарур бошқа ашёлар билан таъминлашдан ташқари уларни экспорт қилиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирига чиқиб олиши эҳтимолдан холи бўлмасди.

Яна бир холис ниятимиз шуки, «Халқ сўзи» газетаси раҳбарияти шундай чуқур илмий ва амалий изланишларга асосланган долзарб муаммоларни изчил ёритиб борса. Бу ҳол республикамизда босқичма-босқич шаклланиб бораётган бозор муносабатларининг зарур соҳалари тезроқ ривожланишига амалий ёрдам берарди.

***Р. БЎРИЕВ, Тошкент вилояти пахтани харид қилиш, қайта ишлаш ва сотиш давлат акционерлик бирлашмаси бошқарувининг раиси:***

— «РЕСПУБЛИКАМИЗ ўз қоғозига эга бўладими?» мақоласи ниҳоятда долзарб, айни пайтда қоғоз ишлаб чиқариш учун имкониятлар етарли эканлиги ва пахта чиқиндиси — момиқ ишлаб чиқариш бизнинг соҳамиз зиммасида бўлганлиги учун ўз фикр-мулоҳазаларимизни билдиришни лозим топдик.

Биргина Тошкент вилояти пахта тозалаш ва сотиш бирлашмасининг ўзи ўтган йилги мавсумда салкам 7000 тонна иккинчи ва учинчи типли линт ишлаб чиқарди. Бундан ташқари, 100 минг тоннага яқин чигит 7-8 фоиз пахта толаси билан, белгиланган давлат андозасига мувофиқ, ёғ-мой заводларига жўнатилди. Бу манба вилоятда қоғоз ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантириш учун етарлидир.

Бизнингча, сотиб олинаётган линт нархи лозим даражада кўтарилса (1 тоннасининг жаҳон бозоридаги баҳоси 500 АҚШ долларидан юқори), шу соҳада изланишлар олиб бораётган илмий-тадқиқот институтлари ва машинасозлик саноати ходимлари учун етарли маблағ ажратилиб, зарур имкониятлар яратиб берилса, қоғоз-целлюлоза саноатини ривожлантириш учун зарур бўлган хомашё кескин кўпайган бўлур эди.

***А. БОНДАРЕВ, «Девонпорт трейдинг энд инвесментс ЛТД» Буюк Британия фирмаси ваколатхонаси бошлиғи:***

— ГАЗЕТАДА чоп этилган ўша мақолада амалиётчи олим А. Турсунов бизнинг ушбу соҳага оид фикр-мулоҳазаларимизни ҳам тилга олган. Ҳақиқатан ҳам, биз Ўзбекистонда чиқарилаётган линтдан рақобатбардош қимматли пахта целлюлозаси тайёрлашда катта тажрибага эгамиз. Бу маҳсулотимизнинг сифат кўрсаткичлари эса жаҳон андозаларига тўла жавоб беради.

Тўрт йилдан бери давом этиб келаётган ҳамкорлик республикангиздаги ишлаб чиқариш шарт-шароитларини ҳамда миллий анъаналарни обдон ўрганиш имконини берди. Ушбу соҳада орттирган тажрибамиз, Ўзбекистон Президентининг чет эл инвестициясини ҳимоялашга қаратилган фармонлари республикангизда целлюлоза ишлаб чиқариш муаммосини ҳеч иккиланмай ҳал этиш сари кенг имкониятлар йўлини очиб бермоқда.

Бизнингча, Ўзбекистонда целлюлоза ишлаб чиқаришга киришиш учун давлат миқёсида бир ташкилот тузилиши, унга зарур ҳуқуқ ва молиявий имкониятлар яратиб берилиши керак. Чет эл компаниялари эса ушбу янги тармоқни жадал ривожлантириш учун зарур бўладиган ҳамма ишни қила оладилар ва уни юқори рентабелли соҳага айлантира оладилар.

## ҚОҒОЗ СТАКАНДАГИ... ҒЎЗАЛАР

***Сариосиё туманида илк бор тажриба тариқасида пахта чигити махсус қоғоз стаканларда ундирилиб, ғалла ҳосилидан бўшаган майдонларга олиб ўтказилди.***

Қарийб 20 гектар майдонни эгаллаган бу ниҳоллар тупроқнинг табиий иқлим шароитига тез мослашиб ерда экилган ғўзалар қатори бир маромда ривож топмоқда. Мутахассисларнинг айтишича, ғалла ўрнига сепилган чигитга қараганда бундай усул билан ўстирилган ҳосил кўчатлари орасида катта фарқ бор.

Пахтачилик соҳасидаги муҳим янгилик соҳиблари кўмагида амалга оширилаётган бу тадбир ўзининг ижобий самарасини бераётир. Айни пайтда туманнинг Пўлат Хидиров ҳамда Мирзабобур номли жамоа хўжаликларида қоғоз стаканларда ундирилган ғўзаларни парвариш қилиш ишлари қизғин давом этаяпти.

**О. ТЎРАҚУЛОВ.**

• *Гиёҳвандлик — иллат*

# БЕКАТДА ҚЎЛГА ТУШИШДИ

***Маълумки, мамлакатимизда гиёҳвандликка қарши кескин кураш олиб борилмоқда. Ана шу саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Ўзбекистонда жиноятчилик сезиларли даражада камайди.***

Юртимизга гиёҳванд моддалар қай йўл билан ҳамда қаердан келтирилмоқда? Республика ички ишлар вазирлигининг берган маълумотларига қараганда бундай моддалар мамлакатимизга, асосан, Тожикистон орқали ўтмоқда. Жиноятчилар уни Ўзбекистон орқали хорижий ҳамда Ҳамдўстлик мамлакатларига олиб кетишга уринмоқда.

Шу йилнинг 21 апрелида Тожикистон фуқароси Л. Соловьеванинг ёнидан бир килограмм уч юз грамм қора дори топилди. У шунча миқдордаги гиёҳванд моддани «Душанбе-Москва» поезди орқали четга олиб кетмоқчи бўлган. Л. Соловьева Сариосиё темир йўли бекатида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинди. Ушбу мамлакат фуқароси С. Ёқубова ҳам 27 апрель куни икки килограмм миқдордаги қора дорини «Душанбе-Москва» поезди орқали олиб кетаётганда қўлга олинди. 13 июль куни эса Ленинобод вилоятининг Панжакент шаҳрида истиқомат қилувчи И. Азизов исмли фуқаро икки килограмм 390 грамм қора дори билан Самарқанд вилояти темир йўл бекатида «Душанбе-Москва» поездига чиқаётганда ушланди.

Характерли томони шундаки, гиёҳвандлик билан шуғулланадиганларнинг деярли ҳаммаси ҳеч қаерда ишламайдиган кишилардир. Улар заҳри-қотил модда билан савдо-сотиқ қилишни ўзларига касб қилиб олишганга ўхшайди.

**И. ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## "ЭМАЛЬ"

**акционерлик уюшмаси**

**корхона ва ташкилотларга юқори сифатли ранго-ранг эмаль бўёқларни чекланмаган миқдорда тавсия этади.**

***Бундай маҳсулотни фақат биздан олиш мумкин.***
***"Эмаль" акционерлик уюшмасининг манзили:***
***700015. Тошкент, 3-тор кўча Фарғона йўли, 73.***
***Маълумот учун телефонлар:***
***91-56-20, 34-31-19.***

*Биз сизни кутамиз!*

## «YAMAHA» — КЎРГАЗМАСИ!

**Ҳурматли Ўзбекистон аҳолиси ва меҳмонлари!**



Сизларни 10-14 июль кунлари кўргазмалар уйи — Архитекторлар уюшмасида (мўлжал — консерватория) ўтказилаётган кўргазмага таклиф этамиз. Бу кўргазмада ҳофиз ва ансамбллар «YAMAHA» студиясида бепул овоз ёздириши мумкин, ҳамда Японияда ишлаб чиқарилган, бозор нархидан — 15% арзон нархда харид қилишингиз мумкин. Кафолат муддати бир йилгача бўлган мусиқа асбоблари сотиб олишингиз мумкин. Ҳар бир юзинчи харидор учун бепул PSR—600 мусиқа асбоби совға қилинади!

Марҳамат, ҳурматли ўртоқлар, биз Сизларни ҳурсандчилик билан кутиб оламиз!

***Тел.: (3712) 53-48-71, 53-10-43, 53-26-30.***

**Тошкент мактабгача тарбия педагогика билим юрти 1995-96 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича 9 ва 11-синф маълумоти билан кундузги бўлимга абитуриентлар қабул қилади:**

1. *"Бошланғич синф ўқитувчиси".*
2. *"Мактабгача тарбия муассасалари тарбиячиси".*
   *а) "Тарбиячи ва чет тили тарбиячиси".*
   *б) "Тарбиячи ва жисмоний тарбия ташкилотчиси".*

**Билим юртига кириш учун хужжатлар қабул қилиш 25 июндан бошланди ва 20 июлгача давом этади.**

***Манзилимиз:***
*Чилонзор тумани, Муқимий кўчаси/178*
*Автобуслар: 13, 77, 34.*
*Трамвайлар: 4, 9, 11.*
*Троллейбус: 12.*
*"Оқ-тепа" бекати.*

***ХУСУСИЙ ДОРИХОНАЛАР, ШИФОХОНАЛАР ВА БАРЧА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!***

## «АБУ АЛИ ИБН СИНО ВА ТАБОБАТ»

**фирмаси Сизларга турли хил касалликларни даволашда қўлланиладиган юздан ортиқ дори-дармонларни таклиф этади.**




Агар Сизга ошқозон-ичак, тери-таносил, юрак, юрак қонтомирлари, жигар, буйрак, астма ва асаб хасталикларини даволашда қўл келадиган дори-дармонлар зарур бўлса, бизга мурожаат қилинг!

Сиз бизнинг дорихонамиздан «Гермед» (Германия), «Стерлинг Хелс» (Буюк Британия), «Аджанта фарма лимитед» (Ҳиндистон), «Крка» (Словения), «Беренгер Ингель Хайм» (Австрия), «ЦИЭХ Польфа» (Польша) каби жаҳондаги энг йирик фармацевтика ишлаб чиқариш фирмаларида тайёрланган дори-дармонларни харид қилишингиз мумкин. Шунингдек, фирмамизда тайёрланган шифобахш гиёҳшарбатлар (фитобар), гиёҳлар ва ҳар хил дардлардан даволанишда, юқумли вируслардан сақланишда катта ёрдам берадиган кўпгина малҳамларни ҳам энг арзон нархда олишингиз мумкин.







**Шошилинг,**
**Сизга зарур бўлган малҳамлар бизда бисёр.**
**Ҳам арзон, ҳам сифатли.**

*Фирма сотувдаги барча дори-дармонлар сифатини ва таъсир кучини кафолатлайди.*

***Савдо-сотиқ пул ўтказиш ёки нақд тўловларда амалга оширилади.***

**БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ:**
**Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Себзор даҳаси 1"А»-уй. (Метронинг Ғофур Ғулом бекати).**
**Телефонлар: 44-24-34, 40-48-06, 40-44-83.**

• Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига

# ДЎСТЛИГИМИЗНИНГ УЛКАН КУЙЧИСИ



## ҚОЗОҒИСТОН ОҲУСИ

*Кўкчатовда кўк камзулли бир оҳу кўрдим,*
*Тааҗжубки, оёғида қизил этикча.*
*Кўз узолмай узоқ маҳал термулиб турдим,*
*Сўнг изидан кетавердим бошим эгикча.*
*Шўх, чиройли сўқмоқларда қадам-бақадам*
*Ўктегмасга қадар чиқдим изидан бориб.*
*Оҳу эмас, афсонага дуч келдим шу дам,*
*Во дариғо, қайтиб тушдим чарчаб ва ҳориб.*
*Ойнакўлга бориб қолдим айлаб мен шитоб,*
*Кўк камзулли у оҳуни излаб сар-сари.*
*Ойнакўлнинг тубида ҳам кўринди шу тоб*
*Оҳу эмас, қозоқ шеърин тоза мавжлари.*
*Сайёҳликнинг ўжар қалби тутиб қўлимдан*
*Кетавердим, кетавердим сарсон-саргардон.*
*Мовий кўллар, чўнг ўрмонлар чиқди йўлимдан,*
*Оҳ, бунчалар кенг экансан, жон Қозоғистон!*
*Излайвериб, ҳориб бўлгач оқибат бир тун*
*Кўктепага чиқиб олиб ўй сурдим узоқ.*
*Олмаота чарх урарди теграмда бутун,*
*Сўзласанг-чи, бу қандай ҳол, муҳтарам қозоқ.*
*У мен кўрган оҳу қани, қайда у жайрон,*
*Қайси жойни макон этган у нозик ниҳол?*
*Дейдиларки, қозоқ элин кезабер ҳайрон,*
*Ҳар қайда ҳам у бир карра кўргазгай жамол,*
*У Абайнинг армонидир — нозланиб турган,*
*У Олатов сулувининг мақоми эрур.*
*Кечагина нортуяни қувалаб юрган*
*Қозоқларнинг карашмали илҳоми эрур.*

**Абдулла ОРИПОВ,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## ҚОЗОҚ ХАЛҚИНИНГ БУЮК ОҚИНИ

***XIX асрнинг иккинчи ярмида ажойиб лирик асарлар, монументал поэмалар, насиҳатлар қолдирган Абай Қўнонбоев, оғир ўтмиш зулмати ичра чексиз азоб-уқубатларни бошидан кечирган истеъдод соҳибидир.***

У ҳозирги Семипалатинск вилоятига қарашли Чингизтоғ этакларига жойлашган Тубиқти уруғидан бўлиб, 1845 йилнинг 10 августида дунёга келди. Ўн ёшга етгунча йирик феодал бўлган отаси — Қўнонбой билан катта онаси Зеранинг қўлида тарбияланади. Сўнг ўз овулидаги муллалардан бошланғич маълумот, Семипалатинск шаҳридаги мадрасада эса мулладан сабоқ олади. У шу ердаги «Приходская школа» деб номланувчи рус мактабида ҳам уч ой таҳсил кўради.

Абай ижтимоий турмушдаги қарама-қаршиликларни ўз кўзи билан кўриб, адолатсизликка, мансабпарастликка нафрат билан қарайди. Покликни, иноқликни, адолатни орзу қилади. Ўз отаси Қўнонбойнинг халққа кўрсатган баъзи бир жабр-зулмига қарши чиқиб, унинг адолатсизликларини кескин танқид остига олади. Натижада у адолат байроғини баланд кўтарувчи халқпарвар бўлиб етила бошлайди.

Абай Семей шаҳридаги мадрасада ўқиб юрган пайтларида Шарқ шоирлари Низомий, Навоий, Хўжа Хофиз, Бедил, Бобур кабиларнинг асарларини ҳам мутолаа қилган. Рус мактабида ва кейинчалик ўзи изланиб жаҳон адабиёти ҳазинасидан баҳраманд бўлган. Бу эса саҳродаги қозоқ халқи орасида бўлаётган адолатсизликларни, зиддиятларни, дов жанжалларни тўғри англашда, уларга адолат кўзи билан қарашда катта замин бўлиб хизмат қилади.

Абай 1884-1885 йилларга келиб, ҳар томонлама билимдон, хассос шоир бўлиб етишди. Унинг дунёқараши шаклланиб, ҳаётда бўлаётган катта-катта ўзгаришларга, зиддиятларга танқидий кўз билан қаровчи улкан оқин бўлди.

Шоирнинг қўлига астойдил қалам олиб, теранга тебраниши ўттиз беш-қирқ ёшларига тўғри келади. У ўзининг «Ўлан» номли шеърида:

*Ўлан — сўзнинг пошшоси,*
*сўз сараси,*
*Қийиндан қийилтирар эр*
*доноси.*
*Тилга енгил, юракка илиқ*
*тегиб,*
*Теп-текис, силлиқ келсин*
*айланаси.*
*Сараланмай булғанса сўз*
*ораси,*
*Бу-оқиннинг билимсиз-*
*бечораси.*
*Ҳам оқин, ҳам тингловчи*
*кўпи нодон:*

*Сўз танимас бу юртнинг*
*бир бораси.*
**(Миртемир таржимаси)**

деб, ҳақ гапни очиқ айтади.

Дарҳақиқат, Абайнинг шеърий ижодиёти қирқ ёшга етгач, авж олиб, барқ уради. У қалбидаги мунгли зорини ёшларга, халққа қарата очиқ айтиб, буюк инсоний фазилатларни ҳаммадан устун деб билади.

Донишманд шоир ўз поэтик асарлари билан ўгит-насиҳатларида адолатни, одамийликни, соф муҳаббатни, покликни ҳаммадан юқори қўйди. У ўзининг насрий асарида: «Инсонни хароб қиладиган учта нарса бор, шундан қочиш керак», — дейди ва унинг биринчиси деб нодонликни тилга олса, иккинчиси деб эринчоқликни айтади, учинчиси золимлик, дейди. Ҳаммасига алоҳида тўхталиб, баҳо беради. Масалан, «нодонлик — бу киши билимининг йўқлиги, усиз дунёни тушуниб бўлмайди, Билимсизлик эса — ҳайвонликдир, деса, эринчоқлик — бу дунёдаги бутун билим ва хунарнинг ёвуз душманидир. Танбаллик, уятсизлик, қашшоқлик каби иллатлар шундан келиб чиқади», — дейди.

Абай ўзининг инсонпарварлик ғояларини илгари сурувчи поэтик дурдоналарида халқни, китобхонларни ўйлашга, фикр юритишга чорлайди. Қўлига қалам олиб, шеърий асарлар ёзганда «Ўтган — кетганни термоқ учун эмас», балки,

*Юрагида ўти бор, тили*
*ширин,*
*Авлодга бир сабоқ*
*бермоқ учун*

ёзганлигини тилга олади.

Ўрни келганда шу нарсани алоҳида эслатиш лозимки, Абай буюк оқин, катта санъаткор — композитор, таржимон, файласуф, улкан жамоат арбоби бўлиб етишувида, асосан унга уч мактаб катта таъсир этган. У аввало ўз миллий адабиётининг мўл ҳазинаси бўлса, иккинчиси — Шарқ мумтоз адабиётининг ажойиб дурдоналари, учинчиси эса — Оврўпо адабиётининг шоҳ асарлари бўлди. Шулардан олам-олам завқ олган Абай XIX асрнинг иккинчи ярмидаги қозоқ шеъриятининг машъалига айланди.

Унинг таржимасида қозоқ китобхонлари А. С. Пушкин, М. Ю. Лермонтов, И. А. Крилов асарларини ўз она тилларида мароқ билан севиб ўқиш имконига эга бўлдилар. Айниқса унинг «Евгений Онегин» шеърий романидан қилган таржимаси Татьянанинг хатлари қозоқ саҳросида алоҳида ўрин эгаллади.

Хуллас, қозоқ ёзма адабиётининг асосчиси, буюк мутафаккир шоир, моҳир таржимон, ажойиб композитор, улкан жамоат арбоби Абай қозоқ адабиёти хазинасига бебаҳо дурдоналар қўшган улкан истеъдод соҳибидир. Шунинг учун ҳам бу йил ЮНЕСКО қарори билан таваллудининг 150 йиллиги жаҳонда, жумладан, ўзбек диёрида кенг нишонланмоқда.

**Қалдибек СЕЙДАНОВ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти Кенгаши раиси, «Нурли жол» газетасининг бош муҳаррири.**

## ТОНГОТАРДА ЭГИЗ БОЛҚАР...

***Куни кеча республика Фанлар академиясида буюк қозоқ оқини Абай Қўнонбоев таваллудининг 150 йиллигига бағишлаб илмий конференция ўтказилди. Шу муносабат билан ЎзФА Президенти вазифасини бажарувчи, академик Жўра Абдуллаев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди.***

Бу илмий конференция Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан қўйилган шу куннинг долзарб вазифаси — Марказий Осиё минтақасида ҳам иқтисодий, ҳам маънавий, ҳам сиёсий жиҳатдан ягона муҳит ташкил қилиш ғояси барча илмий-ижодий зиёлилар, бутун жамоатчилик томонидан қизғин қўллаб-қувватланаётган бир вақтда ўтди. Конференция жараёнида отабоболаримиздан табаррук мерос бўлиб қолган тарихий бирлик туйғусини қайтадан тиклаш ва халқларимиз қалбига пайванд этиш ҳаракати янгидан фаоллашди, деб ишонамиз. Чунки Абайнинг бутун ижодий фаолияти ва адабий мероси азал-азалдан халқларимизнинг қон-қонига сингиб кетган бирлик, ҳамжиҳатлик, биргаликда яшаш ва ишлаш, ўзаро тотувлик, бир-биридан ўрганиш ва ўргатиш ғояларининг бамисоли бир уммонидир, ёшларимиз қалбида шундай туйғуларни камол топтиришнинг ўзига хос ибрат мактабидир.

Марказий Осиё халқлари ижтимоий-фалсафий тафаккури тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абай ўзининг ўлмас ижоди билан қозоқ ёзма адабиётига асос солди, ўзидан катта, улуғ замондошлари Чўқон Валиҳонов, Ибрай Олтинсарин бошлаган маърифатпарварлик ғояларини изчил давом эттирди, ёшлигиданоқ даврига нисбатан жуда юқори билим олди. Шарқ ва Ғарб адабиётини пухта ўрганди, Арасту, Суқрот, Афлотун, Форобий, Гегель фалсафасидан баҳраманд бўлди.

Бир томондан, чоризм истилоси, иккинчи томондан, феодал бош-бошдоқлик авж олган, мамлакатда ўзаро келишмовчиликлар кучайган бир шароитда Абайнинг илм-маърифат орқали жамият камолотига эришиши мумкинлиги ғояларини тарғиб қилиши жуда ҳам илғор ҳодиса эди. 19 ёшида ёзган «Алифбо» шеъри билан бошланган бундай ғояларни куйлаш улуғ шоирнинг бутун ижоди бўйи давом этди.

Абай муҳаббат, меҳр-оқибат, севги-садоқат, дўстликни куйловчи улуғ шоирдир. «Эй муҳаббат, эй дўстлик», «Қиз сўзи», «Йигит сўзи» каби асарлари қозоқ овулларида жуда кенг тарқалди ва шоирнинг шуҳратини жуда олис-олисларга ёйди.

Абай — улуғ мутафаккир ва файласуф адибдир. Унинг 44 ибратли ҳикоядан иборат «Ақлия сўзлар» номли туркум асарлари фалсафий фикр тараққиётида катта ўрин тутади. Унда мутафаккир адиб бир ибратомуз ҳикояни баён қилиш орқали жиддий ижтимоий-тарбиявий масалаларни кун тартибига қўйди. Бу билан Абай ўз халқини ёруғликка, маърифатга, ҳунар ва касб эгаллашга, меҳнатга, эркка, ўзга ривожланган мамлакатлар ва халқлардан ибрат олишга, бирликка, тотувликка ундади. Бу — мамлакат ҳар жиҳатдан инқирозга юз тутаётган XIX аср шароитида улкан жасорат эди.

Абай асарлари Ўзбекистонда ҳам кенг тарқалган. Биз шуни қувонч билан қайд қиламизки, унинг нисбатан тўла асарлар тўплами 1922 йилда Тошкентда нашр этилган эди. Шундан бери унинг асарлари ўзбек тилига таржима қилиниб, нашр этилиб келинмоқда. Шоирнинг 100, 125 йиллик юбилейлари республикамизда кенг нишонланган.

Шу йилнинг август ойида Абай туғилган кунга 150 йил тўлади. Шу муносабат билан ЮНЕСКО 1995 йилни «Абай йили» деб эълон қилди. Бу қозоқ халқининг улуғ фарзандига дунё жамоатчилиги ҳурматининг исботидир. Абайнинг 150 йиллиги катта байрам сифатида Ўзбекистонда ҳам ҳозирданоқ кенг нишонланмоқда. Ўқув юртларида, илмий ва меҳнат жамоаларида илмий конференциялар, суҳбатлар, тантанали учрашувлар бўлиб ўтмоқда. Мазкур илмий конференция ҳам ана шундай тадбирларнинг биридир. Шубҳа йўқки, тингланган илмий маърузалар улуғ шоир ва мутафаккир ижодининг айрим томонларини ўрганишда катта аҳамиятга эга бўлди ва уларни абайшуносликка қўшилган муносиб ҳисса сифатида баҳолаш лозим.

Улуғ мутафаккир ва адиб Абай Қўнонбоевга бағишланган ушбу конференция Абай меросини бирга ўрганиш ва тарғиб қилиш билан бирга халқларимиз дўстлигини янада мустаҳкамлайдиган омил бўлишига ишончимиз комил. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Қозоғистондаги кунларида Алмати Санъат саройидаги тантанали мажлисда Президентларимизнинг ўзбек ва қозоқ халқлари бирдамлигини, қон-қардошлигини янада ривожлантириш ҳақида айтган орзу-умидларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

*Абай ҚЎНОНБОЕВ*

## ҲОЛИМ МЕНИНГ...

**(шеърлар)**

***Гўзал ёрим, мен индамай юраман кўп,***
***Ўйлама сен, ўтсиз, ўйсиз, совуқ жон деб.***
***Юракдаги алангани кўз ёш қилиб,***
***Гар оқизсам, у нимага бўлади сеп?***

***Шўринг қургур эл кўзига тик қарайман,***
***«Шунумни сен сўкади-ку» деб ўйлайсан.***
***Юрагимни пора-пора кесиб юрган,***
***Орсизларни «дўстим» деб нега аяйман?***

***Ичимда қайғум кўпдир, кўз ёшим кам.***
***Одам йўқдир уни дўст деб дардим айтсам,***
***Хотин киши бир нозик гул, севиш керак,***
***Кўзидан ёши чиқса, уни артсам.***

***Кўнглингга маълумдирки ҳолим менинг,***
***Ғазабларинг бўлмагандир энди сенинг,***
***Агар менинг ичимни ёриб кўрсанг,***
***Йиғлашингни унутиб, чўчирдинг.***

***Ўз айбимга кўз солиб***
***Ўйга ботдим, тўлғондим.***
***Ўз айбимни қўлга олиб,***
***Текширишга ўйландим.***
***Ўзимга-ўзим ёқмадим,***
***Энди қайга сиғолдим?***
***Ўрганган бу кўнгилни***
***Қандай қилиб тиёлдим?***
***Гуноҳимни санасам,***
***Тоғ тошидан оз эмас,***
***Юрагимга кўз солсам,***
***Арчиб, олиб ташлашга***
***Жўякдаги ўт эмас.***
***Ҳаммаси ҳам ўзимдан,***
***Тангри берган — «ёт»***
***эмас.***
***Шунга аҳмоқ бўлганман,***
***Кўринганга қизиқдим.***

***Адолатлик юрганнинг***
***Одиллигин бузибман.***
***Ақл билан билимдан***
***Жуда умид узибман***
***Ҳийла билан қувликни***
***Марвариддай тизибман***
***Ялмоғиздай мен очкўз,***
***Ор, номусдан безибман.***
***Қувлик билан шумликка,***
***Тентак бўлиб учибман,***
***«Сиз биласиз» деганига***
***Кунда куйиб пишибман.***
***Ҳар кимсага мақтаниб,***
***Айтаман: мен***
***«пишиқман».***

**Ғулом ШОДИ таржималари.**

## АБАЙ ҲИКМАТЛАРИ

*1. Инсоннинг инсонлиги — уни ишни қандай бошлаганидан билинади, лекин қандай тугатганидан эмас.*

*2. Кўнглингдаги кўркам ой, оғзингдан чиққач хираланади.*

*3. Сен агар фақат ўзини ўйлайдиган нодонга ҳикматли сўз айтсанг, у сени ё хурсанд қилади ё эса ҳафа.*

*4. Кишига билимига қараб яхшилик қил, ёмонга қилган яхшилигинг бошингга бало бўлиб тушади.*

*5. Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл! Одам боласи — элнинг лоласи.*

*6. Яхши одам кўп сўрайди, аммо оз берсанг ҳам рози бўлади. Ёмон одам оз сўрайди, аммо кўп берсанг ҳам рози бўлмайди.*

*7. Ёлғиз бошинг учун меҳнат қилсанг, ўз қорни учун ўтлаган ҳайвоннинг бири бўласан, Инсоний бурчинг учун меҳнат қилсанг эса, олло-таолонинг суйган бандаси бўласан.*

*8. Инсон боласини замона парвариш қилади. Кимда ким ёмон бўлса, айб замондошларида.*

*9. Агар давлат менинг қўлимда бўлганда, инсон фарзандини тузатиб бўлмайди, деган одамнинг тилини шартта кесиб ташлардим...*

*10. Дунёда танҳо яшагандан — ўлган яхши. Ёлғиз одамни қайғу-ҳасрат босади, Дунёда нимаики бор: у яхшиликми, ёмонликми, хурсандчиликми, қайғу-ҳасратми — ҳаммаси халқда бўлади. Аввалгисига ким чидай олади? Кейингисисиз ким яшай олади?*

*11. Дунёда ким ёмонлик кўрмаган дейсиз? Умидсизлик — бу ғайратсизликдир. Дунёда ҳеч муқим нарса йўқ, шунингдек ёмонлик ҳам мудом бўлмайди. Ахир, қорли қалин қаҳратон қиш кетидан кўк майсали, тиниқ сувли ёз келмасму?*

*12. Баджаҳл одам камгап келса, заҳари ичида бўлгани. Борди-ю, ҳеч кимга гап бермай, лўлилик қилиб шовқин солса, бу одам ё қўрқоқ, ё эса мақтанчоқ келади.*

*13. Қувонч ва мағрурлик — мастликдир. Фақат мингдан бир кишигина бу нарсадан ўзини эҳтиёт тутиб юра олади.*

*14. Ишнинг омади — ўз вақти.*

*15. Дунё бир каттакон кўл. Замона эса эсиб турган бир ел. Олдиндаги тўлқин — оғалар бўлса, кетидаги тўлқин — инилардир. Навбат билан ўлишар, аввалгидай бўлишар.*

*16. Туядек бўй бергандан, тугмадек ақл берган ортиқ. Сақолини сотган қаридан, меҳнатини сотган ёш ортиқ.*

*17. Мўлтони мулла эл талар.*

*18. Ёмон «дўст» — у бир кўланкадир: қуёшли кунда қочсанг ҳам қутулолмайсан, булутли кунда эса изласанг ҳам тополмайсан.*

*19. Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш. Яхши яқин бўл, ёмондан — йироқ.*

*20. Ғайратсиз жаҳл — тул, қайғусиз ошиқ — тул, шогирдсиз олим — тул.*

*21. Бахтиёр бўлгунингча бахтингни элинг ҳам тилайди, ўзинг ҳам тилайсан, Бахтиёр бўлганингдан сўнг эса — фақат ўзинггина тилайсан.*


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

**МАННОН УЙҒУР номидаги Тошкент Давлат санъат институти 1995—1996 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича биринчи курсларга талабалар қабул қилади**

### КУНДУЗГИ БЎЛИМ

1. Актёрлик санъати:
— Драма театри ва кино актёрлиги — Ўқиш муддати 4 йил
— Мусиқали театр актёрлиги — ўқиш муддати 5 йил
— Қўғирчоқ театри актёрлиги — ўқиш муддати 4 йил
2. Режиссура:
— Драма театри режиссёрлиги — ўқиш муддати 5 йил
3. Санъат журналистикаси — ўқиш муддати 5 йил
4. Рангтасвир — ўқиш муддати 6 йил
— Дастгоҳли рангтасвир
— Маҳобатли рангтасвир
— Театр рангтасвир безаги
5. Графика — ўқиш муддати 6 йил
6. Музей иши ва ёдгорликларни сақлаш —ўқиш муддати 5 йил
7. Амалий безаш санъати — ўқиш муддати 6 йил
— Амалий графика
— Бадиий кулолчилик
8. Интерьер ва жиҳозлаш санъати — ўқиш муддати 6 йил
— Интерьер лойиҳалаш
— Меъморий ёдгорликлар безакларини таъмирлаш

### КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:

1. Мутахассислик (кўп балли тизим асосида)
2. Она тили ва адабиёт (тест)
3. Тарих (тест)

Институтнинг кундузги бўлимларига кириш учун аризалар 1995 йилнинг 15 июлигача қабул қилинади. Кириш имтиҳонлари 1995 йил 17 июлидан бошланади.

Почта орқали юборилган ҳужжатлар қабул қилинмайди.

Ҳужжатлар имтиҳонга қўйиш бўйича тузилган комиссиянинг тавсиясига асосланиб қабул қилинади.

Режиссура мутахассислиги бўйича кирувчилар имтиҳонга қўйиш комиссиясига ёзма рефератлар, режиссёрлик режаларини, санъат журналистикаси мутахассислигига кирувчилар ёзма реферат, рассомлик мутахассислигига кирувчилар талаб қилинган ҳажмда ижодий ишларини кўрсатадилар.

Кириш имтиҳонларига тайёрланиш бўйича консультация ҳафтанинг жуфт кунлари 15- ва 28-хоналарда соат 14 дан олиб борилади.

### ИНСТИТУТГА КИРИШ ҲАҚИДАГИ АРИЗАГА ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ҚЎШИБ ТОПШИРИЛАДИ

а) Ўрта ва ўрта махсус маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

б) N 086-у шаклидаги тиббиёт маълумотномаси;

в) 3x4 см хажмдаги 6 дона фотосурат;

г) Паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳусусидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади.

*МАНЗИЛ: ТОШКЕНТ ШАҲРИ 700031, НАВРЎЗ КЎЧАСИ, 77-УЙ. МАЪЛУМОТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 56-28-80, 56-29-86.*


«Ўздунробита» қўшма корхонаси жамоаси Тошкент телефон-телеграф станцияси етакчи мутахассиси Л. Бурцевага умр йўлдоши **Валерий БУРЦЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон енгил саноат уюшмаси жамоаси «Тараққиёт» илмий ишлаб чиқариш компанияси бошқаруви раиси Х. Луқмоновга отаси **Назиржон ЛУҚМОНОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Тошкентмебель» ҳиссадорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Ҳаёт Очиловга онаси **Саидахон Хожи қизи ОЧИЛОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Ахборот 36-29-89;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — Б. Остонақулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0303. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Босишга топшириш вақти—21.00
Босишга топширилди — 20.15.

1 2 3 4 5 6